Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Узбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 6 сентябрь, сешанба № 138 (21. 742). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

3 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Мустақиллик кубоги» халқаро футбол мусобақалари ҳомийлари — Голландиянинг «Аес Холланд групп», «Нутриция» «Синевидео», «Себеко инт, проджектс» компаниялари ва «Нуон» концерни раҳбарларини қабул қилди.

Ислом Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Голландия ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Айниқса, қишлоқ хўжалигини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, спорт соҳасидаги ҳамкорлик истиқболли эканини таъкидлади.

Голландиялик ишбилармонлар Ўзбекистонда хориждлик сармоядорлар учун кенг имкониятлар яратилганини қайд этиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, спорт, телекоммуникация, энергетика ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш ниятида эканини айтдилар.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ўткир Султонов иштирок этди.

* * *

Шу куни Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида «Аес Холланд групп» компанияси раҳбари Карл Аалберс Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ўткир Султонов билан ҳам учрашди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли режалари муҳокама қилинди. Томонлар ўзларини қизиқтирган кўпгина масалалар хусусида фикрлашиб олдилар.

* * *

5 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Тожикистондаги махсус элчиси Перес Баллонни қабул қилди.

Суҳбатда минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабулда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди. (ЎзА).

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

3 сентябрь куни Қишлоқ хўжалик вазирлигида пахта йиғим-терими, кузги бошоқли дон экинлари экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда тегишли вазирлик, ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон ҳамда вилоятлар ҳокимлиги раҳбарлари билан сим орқали мулоқот ўтказилди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Кенгашда катта меҳнат ва пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг 50—60 фоизи очилгани, баракали ҳосилни йиғиб-териб олиш учун пахтакорларга зарур шароит яратиб берилаётгани таъкидланди.

— Пахта йиғим-теримининг муваффақияти,— деди И. Жўрабеков,— дефолациянинг сифатли ўтказишга боғлиқ. Бу соҳада ўтган йилги хатолар такрорланмаслиги зарур.

Вазирлар Маҳкамасининг пахта теримини уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисидаги қарорида етиштирилган ҳосилни қисқа фурсатларда сифатли йиғиб-териб олиш лозимлиги қайд этилган. Хўш, бу вазифа жойларда қандай бажарилмоқда? Афсуски, ҳанузгача теримни бошламаган, мавсумга пухта тайёргарлик кўрмаган хўжаликлар бор. Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Тошкент ҳамда Бухоро вилоятларида пуркагич аппаратларнинг атиги 79—85 фоизи таъмирланган, холос. Уларнинг сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Айрим хўжаликларда ҳалигача пахта пунктларида ишлатиладиган асбоб-анжомлар келтирилмаган.

Бу йил биринчи марта республикамизда икки миллион тоннага яқин дон етиштирилди. Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилояти хўжаликлари ғалладан мўл ҳосил олдилар.

Президентимиз Ислом Каримов ғаллакорлар олдига яқин йиллар ичида дон мустақиллигига эришишдек масъулиятли вазифани қўйди. Вазирлар Маҳкамаси «1995 йилда суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда келгуси йили 3 миллион 300 минг тоннадан зиёд ғалла етиштириш кўзда тутилган.

Сим орқали суҳбатда вилоят ҳокимлари кузнинг ғанимат дамларидан самарали фойдаланиб, пахта теримини уюшқоқлик билан ташкил этиш, экиндан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгорлаб, кузги дон сепишни аниқ тадбирлар асосида амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Кенгашда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов, М. Усмонов, Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

Бугун енгил саноат корхоналари республикамизнинг ҳудудида кундан-кунга кўпайиб, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар сифати ва салмоғи ортиб бормоқда. Бунда албатта, бу соҳада аввалдан иш юритаётган корхоналарнинг улкан ҳиссаси бор.

«Шарқ гули» тикувчилик ҳиссадорлик уюшмаси ана шундай улкан жамоалардан бири. Уюшма аъзолари республикамиз мустақиллигининг уч йиллик тўйини меҳнат зафарлари билан кутиб олишди. Ҳаммадан бу корхона тайёрлаётган маҳсулотларнинг бир қатор янги турлари ҳам савдода харидоргир бўлмоқда.

Нафис тикилган янги турдаги зардевол, келинлар либоси, чойшаб каби маҳсулотларга қараб кўз қувнайди.

Сиз кўриб турган суратда илғор тикувчи Малоҳат Назарова. У кунлик режасини ортиғи билан адо этмоқда.

А. РИСҚИЕВ сурати.

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами муносабати билан Мексика халқи ва ҳукумати номидан Сизга самимий табрик йўллайман.

Имкониятдан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига ва Ўзбекистоннинг олижаноб халқига равнақ, сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тилайман.

Карлос Салинас Де ГОРТАРИ,
Мексика Қўшма Штатлари Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Қувончли воқеа — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига самимий қутловимни изҳор қилишдан жуда мамнунман.

Кези келганидан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз, жаноби олийлари.

Форуқ Аҳмад Хон ЛЕГАРИ,
Покистон Ислом Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан Исроил халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Эзер ВАЙЦМАН,
Исроил давлати Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан Қувайт халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга самимий истакларимни изҳор этиш менга жуда катта мамнуният бағишлайди. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингизга равнақ ва фаровонлик тилайман.

Жобир Ал Аҳмад Ас-САБОҲ,
Қувайт давлати амири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан ўзим ва бутун Тай халқи Сиз жаноби олийларини самимий табриклаб, энг эзгу тилакларимизни йўллаймиз. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқига фаровонлик ҳамда равнақ тилаймиз.

Пумипон АДУЛЬЯДЕТ Р.,
Таиланд қироли.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Ислом Каримов жаноби олийлари!

Дўст мамлакатингиз мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан Сиз жаноби олийларига, Сиз орқали ҳукуматингиз ва халқингизга Фаластин Озодлик ҳаракати ижроия қўмитаси, Фаластин Миллий ҳокимияти ва Фаластин халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан энг самимий табриклар ва эзгу тилакларни йўллашдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизнинг адолатли курашини қўллаб-қувватлашга қаратилган ва турли доираларда баён этилган фикрларингиз учун Сизга ва дўст мамлакатингизга яна бир бор миннатдорлик билдираман. Шу ҳайрихоҳлик туфайли ҳозирги пайтда ҳукуматларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Халқимиз муқаддас заминда ўз миллий ҳокимиятини қуриш, хавфсизлиги, тараққиёти ва равнақини таъминлаш йўлида курашни давом эттирмоқда.

Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида биродар халқингиз ва мамлакатингизга тараққиёт ҳамда равнақ тилайман.

Ёсир АРАФОТ,
Фаластин давлати Президенти, Фаластин Озодлик ҳаракати ижроия қўмитаси раиси, Фаластин Миллий ҳокимияти раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ўзбекистоннинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Сизга сиҳат-саломатлик ва масъул ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Вацлав ГАВЕЛ,
Чехия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг давлат байрами — Мустақиллик куни муносабати билан сизга самимий табрик йўллайман ва қардош ўзбек халқини чин дилдан қутлайман. Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикасида халқларимизнинг манфаатлари йўлида икки томонлама ҳамкорликни кенг ривожлантириш учун ҳамма асослар мавжудлигига ишончим комил.

Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва мамлакатингиз халқига ўзимнинг энг эзгу тилакларимни йўллайман. Сиз ва биз орзу қилаётган демократия идеаллари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга ишончим комил.

Имкониятдан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига катта муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон Республикаси халқига осойишталик ва равнақ тилайман.

Алгирдас БРАЗАУСКАС,
Литва Республикаси Президенти.

• ХДП ҳаётидан

«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОВОЗИ»НИНГ ИЛК СОНИ

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика ташкилоти газетаси — «Қорақалпоғистон овози»нинг илк сони Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги нишонланаётган бир пайтда муштарийлар қўлига етиб борди. Газетанинг биринчи саҳифасида берилган «Партиявий матбуот қуроли» бош мақоласида ва табрик мактубларида мустақиллик шарофати билан Ўзбекистоннинг ўзига хос йўлни танлаб олиши, жаҳонга танилиши, Қорақалпоғистонда бир қатор замонавий саноат корхоналарининг вужудга келиши, қурилиш, транспорт, алоқа, савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, тадбиркор, ишбилармонларнинг кўпайиб бораётгани, миллий урф-одатлар, тилимиз, тарихий меросимиз, қадриятларимизнинг қайта тикланиши, халқлар дўстлигининг мустаҳкамланиши, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши доимий мавзу бўлиб қолиши қайд этилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XI пленуми ҳақида ахборот берилган. Шу пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби этиб сайланган Абдулҳафиз Жалоловнинг қисқача таржимаи ҳоли берилган.

Газетанинг биринчи сони чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика ташкилоти раиси У. Аширбековнинг ва «Ўзбекистон овози» газетаси жамоасининг табрик мактублари ўрин олган.

Иккинчи, учинчи саҳифаларида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши биринчи котиби А. Асановнинг «Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида» мавзусидаги мақоласи, «Сўз — партия раҳбарларига» рукнида Ўзбекистон ХДП Тўрткўл тумани кенгаши биринчи котиби Евқоч Рўзимбетовнинг «Кадрлар билан ишлаш — шу куннинг муҳим масаласи», Чимбой туман кенгашининг биринчи котиби Тозагул Арзекаеванинг «Сиёсий мафкуравий ишларнинг самарадорлиги учун» мақолалари, шунингдек республика партия ташкилотининг йилномасига кенг ўрин берилган.

Ўйлаймизки, «Қорақалпоғистон овози» кенг ўқувчилар қалбидан жой олиб, маънавиятимизни юксалтириш, иқтисодий ислоҳотларни янада барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА БОШҚА ТУЗИЛМАЛАРДА ОМОНАТ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги пайтда тижорат тузилмаларининг аҳолидан омонат жалб этиш ҳоллари кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, пул омонатларини жалб этиш ва уларни жойлаштириш банк операцияси ҳисобланиб, бундай фаолият учун Марказий банк ижозатномасини (лицензия) олиш талаб қилинади. Республикамиз фуқароларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилган бўлиб, бу тартиб ҳукумат қарори билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Марказий банк аҳолига ўз омонатларини Ўзбекистоннинг фуқаролар билан операция ўтказишга ижозатномаси бўлган қуйидаги тижорат банкларининг омонат тармоқларида сақлашни тавсия қилади:

саноат қурилиш акционерлик тижорат банки, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, агросаноат акционерлик-тижорат банки, «Тадбиркор» акционерлик-тижорат банки, Ўзжамғармабанк, Ўтбанк Ўзбекистон—Туркия банки, «Ипак йўли» акционерлик-инновацион тижорат банки, акционерлик-тижорат Ўзсавдогарбанк, акционерлик-биржа Трастбанк, тижорат Ўзлегкомбанки, тижорат Ўзпрофбанки, акционерлик-инновацион Ўзибанк, акционерлик-тижорат «Наманганбанк», тижорат Ўзгеолбанки, Ўзинвестбанк акционерлик-тижорат тараққиёт банки, акционерлик-тижорат «Андижонбанк», акционерлик-тижорат Ўзавтойўлбанки, акционерлик-тижорат Ўзавиабанки, «Турон» тижоратжамлаш банки, «Тошкент» тижорат банки, акционерлик-тижорат «Стройкоммербанк», «Рустамбанк» тижорат банки, «Шарқ» кооператив банки (Самарқанд шаҳри), «Олимбанк» ва «Умарбанк» хусусий банклари (Самарқанд шаҳри), «Ғаллабанк» ва «Мевасабзавотбанк» республика ихтисослашган акционерлик-тижорат банклари.

Банк ижозатномасиз аҳоли омонатларини жалб этаётган бошқа компаниялар фаолияти қонунга зид ҳисобланади. Омонатларни қабул қилиш фаолияти товламачилик ва аҳолини алдашдан иборат бўлган тижорат тузилмалари мажбуриятлари учун Марказий банк жавобгар эмас.

• Иқтисодиёт чорраҳаларида

КОРХОНАДАН ФИРМА ДЎКОНЛАРИГА

Ўзбекистон металлургия заводида сўнгги йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга катта эътибор билан қаралмоқда. Илгари биргина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехида уй-рўзғор учун сирланган идишлар тайёрланар эди. Энди-чи... барча цехлар бу соҳада дастлабки қадамларни қўйдилар.

Заводнинг ўндан ортиқ асосий цехида 100 га яқин халқ истеъмоли буюмлари тайёрланмоқда. Сирланган идиш-товоқлардан ташқари турли ўлчамда михлар, газ плиталари қурилмалари, йирма ўриндиқлар, чўян панжаралар, сўрилар, пойабзал таъмирлаш мосламалари, болға, хуллас, рўзғорга зарур анжомларни тайёрлаш ўзлаштириб олинган.

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайгач, уни халқимизга етказиб бериш муаммоси ҳам осонгина ҳал этилди. Жойларда фирма-дўконларини ташкил этиш йўли билан республикамиз аҳолисини бу буюмларга бўлган талаб-эҳтиёжи ҳам қондирилмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасининг вилоят ва шаҳарларида Бекобод металлургия корхонасининг ўнга яқин фирма дўконлари ишлаб турибди. Шаҳрихон, Урганч, Қўқон шаҳарларидаги завод фирма дўконлари халқ истеъмол моллари билан савдо қилмоқда. Маҳаллий аҳоли талаб ва истаклари ўрганилиб, зарур маҳсулотлар ўша ерларга юборилмоқда.

Яқинда Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги «Кадан» қўрғонида ҳам завод фирма дўкони халққа хизмат қила бошлади. «Қўшработ» туманида эса бундай савдо нуқтаси фаолият кўрсатаётганига бир йилдан ошди.

Айни кунларда корхонанинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қувурларни пайвандлаш, электр таъмирлаш, 1-, 2-таъмирлаш механика цехлари меҳнат жамоалари тайёрлаган маҳсулотлар фирма дўконларига жўнатилмоқда.

Турсунали УСМОНОВ.

• Бухоро вилояти янгиликлари

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Японияннинг «Қизилхоч» фирмаси Бухоро меҳнаткашларига қиймати тахминан бир миллион долларга тенг бўлган дори-дармонларни юборди.

Дори-дармон танқис бўлган айни пайтда японларнинг бу инсонпарварлик ёрдами таҳсинга сазовор. Мутасадди ташкилотлар томонидан дори-дармоннинг тўғри тақсимланиши назоратга олинди.

ФРАНЦУЗЛАР КАРВОНСАРОЙЛАРНИ ТАЪМИРЛАШАДИ

Франциянинг «Артур» фирмаси Бухородаги осори-атиқалардан бўлмиш карвонсаройларни таъмирлаб берадиган бўлди.

Тўрт йил давомида олиб бориладиган таъмирлаш ишлари натижасида шаҳарда илгари мавжуд бўлган кўпгина карвонсаройлар қайта тикланади. Мутахассисларнинг фикрича, бу карвонсаройлар келгусида меҳмонхона вазифасини ҳам ўташи мумкин.

ЁШЛАР ХУРСАНД

Қоракўл туманидаги «Жўра» кичик корхонасига қарашли гишт цехи дастлабки маҳсулот бера бошлади.

Сифати ва нисбатан арзонлиги билан бу гиштлар «Зарафшон» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари эҳтиёжини бирмунча қондиради. Хўжаликда истиқомат қилаётган ёшлар эса иш билан таъминланганига хурсанд.

Б. ТУРАЕВ.

Шу куннинг нафаси

Янгиликлар воқеалар хабарлар

• Қардошлик

ТАЛАСДА «ЎЗБЕКИСТОН» ЧОЙХОНАСИ

● ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). «Манас» халқ эпосининг минг йиллиги муносабати билан Жиззах билан биродарлашган Қирғизистоннинг Талас шаҳрида «Ўзбекистон» чойхонаси бунёд этилмоқда.

Ҳар иккала халқнинг дўстлик тимсолига айланадиган бу кошонани «Агрокоммунстрой» бошқармаси қурувчилари бунёд этмоқдалар. Миллий меъморчилик усулида қад ростлаётган чойхона лойиҳасини вилоят ҳокимлиги архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармаси ходимлари тайёрлашган. Вилоятдаги 20 дан ортиқ ижара-ширкат бирлашмаси, шунча йирик корхона чойхона қурилишига кўмаклашмоқда. Хусусан, Жиззах сут заводи, савдо концерни, вилоят матлубот жамияти уюшмаси бошқаруви ҳамда газлаштириш бошқармалари қурилиш учун маблағ ўтказдилар. «Ўзбекистон» ўзига хос ёдгорлик бўлиб қолади.

• Қадрият

МУЗЕЙДА ОЛТИНТОПАРЛАР ҲАЁТИ

● НАВОИЙ (мухбиримиздан). Зарафшонда ташкил этилган янги музей асрий Қизилқум бағридаги олтинтопарлар меҳнатини ифода этувчи ўзига хос масканга айланди.

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли олтин саралаш ва эритиш заводининг 25 йиллик юбилейи муносабати билан мазкур музейга асос солинди. Бу ерга олтинтопарлар, кон қидирувчилар ҳамда маъдан эритувчилар ҳақида қизиқарли ҳужжатлар, суратлар ва далилий ашёлар қўйилган. Шунингдек, музейга кирган киши Қизилқум қазилма бойликлари, уни ўзлаштирувчилар, саҳро ўсимликлари ва ҳайвонот олами ҳақида ҳам маълумот оладилар.

Музаффар ШАРОПОВ.

Партия ахборотчи

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

Бувайда туманида Фарғона вилояти шаҳар ва туман партия кенгашлари котибларининг «Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш борасида партия кенгашлари ва ҳокимликлар ҳамкорлиги» мавзусидаги семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирнинг амалий қисмида қатнашчилар Бувайда туманидаги Янгиқўрғон ип-йигирув ва тўқув фабрикаси, «Оққўрғон» жамоа хўжалиги, Бувайда ва Ялангоч қишлоқларидаги ҳудудий партия ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Семинар-кенгашнинг назарий қисмида эса Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиби А. Мирсалимов «Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш борасида партия кенгашлари ва ҳокимликлар ҳамкорлиги» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, Бувайда тумани ҳокими О. Назаровнинг «Туманда мустаҳкам сиёсий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ҳокимлик ва партия кенгашининг ўзаро ҳамкорлик тажрибаси тўғрисида»ги маърузаси ҳам тингланди.

Сўнгра шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳамда Бувайда тумани бошланғич партия ташкилотлари котиблари кун тартибидаги масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар, қизиқарли савол-жавоблар бўлди.

Комил ҚОСИМОВ,
вилоят партия кенгаши бўлим мудири.

МАСАЛАГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Президентимиз И. А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашида сўзлаган нутқлари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида муҳим бурилиш ясашига шубҳа йўқ.

Кўтарилган масалаларнинг ниҳоятда муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўрта Чирчиқ туман ҳокимлиги ва ХДП туман кенгаши масалаларнинг муҳокамасини ўзгача ташкил этди. Аввало, Президент нутқларини муҳокама қилишдан олдин уларда кўтарилган масалаларнинг тумандаги аҳволи яна бир марта атрофлича ўрганиб чиқилди. Туман ҳокими бошчилигида мутахассислар, партия фаоллари аҳолига савдо, алоқа, транспорт хизмати кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлашни чуқур таҳлил этдилар.

Аниқланган камчиликлар туман ҳокимлиги маслаҳат кенгаши мажлисида муҳокама қилиниб, мутасадди ташкилот раҳбарларига тегишли чоралар кўрилди.

Шундан кейин юртбошимиз нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар фаоллар йиғилишларида муҳокама қилинди. Уларда туман ҳокими Т. Мирёқубов, муовинлари А. Маҳмудов, Х. Норқулов ҳамда туман партия кенгаши котиблари сўзга чиқиб, мулоҳазаларини билдирдилар.

Кўрилган ана шу чоратадбирлар туфайли туман фаоллари йиғилиши ишчанлик руҳида ўтди. Сўзга чиққанлар аҳолига савдо, тиббиёт, транспорт, алоқа ва маиший хизмат кўрсатиш ночор аҳволдалигини аниқ мисоллар билан очиб ташлашди.

Ана шу ташкилотлар раҳбарлари аҳволни яхшилаш юзасидан белгиланадиган тадбирларини айтишди. Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов қатнашди.

Исматилла НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
ЎзХДП Ўрта Чирчиқ туман кенгаши биринчи котиби.

ЖОНДОРИЙНИ ХОТИРЛАБ

● **БУХОРО (мухбиримиздан). Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жондор тумани кенгаши Бухоро Давлат дорилфунуни билан ҳамкорликда «Маънавий қадриятлар ва Мирза Содиқ Жондорий адабий мероси» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди.**

Содиқ Жондорий давлат арбоби ва истеъдодли шоир бўлган. Мустақиллик шарофати билан қадриятларимиз тикланиб, бундай мўътабар зотларнинг номлари яна тилга олинмоқда. Маҳмуд Таробий номидаги маданият саройида ўтказилган анжуманда тарих фанлари доктори, профессор Ф. Қосимов, филология фанлари доктори, профессор Р. Воҳидов, ўзбек адабиёти тарихи кафедрасининг тадқиқотчи ўқитувчиси Д. Каримовлар Жондорийнинг ҳаёти ва ижоди, бой маданий мероси ҳақида сўзладилар.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

ЎҚУВ ДАСТУРИ

ЖАМИЯТ МАФКУРАСИЗ БЎЛМАЙДИ

Юртбошимиз ўз рисола, маъруза ва нутқларида миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва уни турмушга татбиқ этиш давр тақозоси эканлиги, жамият мафкурасиз бўла олмаслигини кўрсатиб, унинг мазмун-моҳияти, мақсади, жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаб берди. Шундан буён жамиятимиздаги сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракатлар, илмий муассаса ва ўқув юртлари истиқлол мафкурасини яратиш ва уни тарғиб-ташвиқ қилиш йўлида амалий қадамлар ташламоқда. Масалан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз Миллий истиқлол мафкураси дастурини яратиб, ҳозирги кунда уни муваффақиятли тарзда ҳаётга татбиқ этяпти.

Шунингдек, республикамиздаги айрим олий ўқув юртлари ҳам бу борада амалий ишлар қилишмоқда. Чунончи, Тошкент молия институти илмий кенгаши Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. Шарифхўжаев ва фалсафа фанлари доктори Н. Маматовларнинг «Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси» ўқув дастурини муҳокама қилиб, нашрга тавсия этганди. «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган мазкур дастур яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғига мувофиқ олий ўқув юртларининг ўқув жадвалига фан сифатида киритилди.

Мухбиримиз ушбу дастур муаллифларидан бири профессор Нормурод МАМАТОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Нормурод Маматович, «Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси» ўқув дастурини тайёрлашдан кўзланган мақсад нима?

— Халқимизда «Тўйга тўёна билан», деган гап бор. Биз устозимиз — домла Мурод Шарифхўжаев билан ҳамкорликда республикамиз мустақиллигининг уч йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш, халқимизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига ўз кичик улушимизни қўшиш мақсадида мазкур ўқув дастурини тайёрладик. Қолаверса, бу ҳозирда Мюнхендан туриб «Озодлик» радиостанцияси орқали оғзига келганини вайсаётган айрим «ватан фидойилари»га ва яқиндан бошлаб эса Ўзбекистонни, унинг халқини мафкурасиз, ғоясиз, эътиқодсизликда айблаб, сафсата сотаётган Алибой Йўляхшиев, Ёдгор Обид, Абдурасул Юсуфий сингари «сиёсий арбоб», «файласуф», «шоир»ларга бизнинг амалий жавобимиз бўлади.

Назаримизда, бугунги кунда мактабларимиз, ўрта махсус ва олий ўқув юртларига ушбу дастур — «Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси» дарслиги сув ва ҳаводек зарур. Шуни эътиборга олиб, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғига кўра мазкур курс олий ўқув юртларининг ўқув жадвалига асосий фанлардан бири сифатида киритилиши айни муддао бўлди. Зеро, бугун талаба ёшларимиз келажаги буюк давлатимизнинг истиқболини, унинг давлат тузумини, босқичма-босқич амалга оширилаётган бозор иқтисодиётига ўтиш пировард натижада қандай ижтимоий-иқтисодий муносабатларга, турмуш тарзига олиб келишини, иқтисодий ва сиёсий мустақилликнинг мамлакатимиз халқаро обрў-эътиборини қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамиятини, ватанпарварлик ва инсонпарварликдан бошланувчи маънавий қадриятларимиз силсиласи мустақилликни мустаҳкамлаш, инсоннинг мавқеини қай тарзда ўрнига қўйишини яхши билишлари керак. Умуман, фуқароларимиз мамлакат тараққиётининг пировард мақсадини ва унга эришишнинг Президент белгилаб берган ўз йўли мазмун-моҳиятини қанчалик равшан билишса, бу тараққиёт шунчалик тез ва осон кечади. Ушбу вазифани биринчи навбатда ўқувчилар, талаба ёшлар орасида тарғиб этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Ёшлар — бизнинг келажагимиз, улар юқорида таъкидланган масалаларни қанчалик пухта ўзлаштирсалар, тараққиётимизнинг мазмуни ҳам шунчалик бой бўлади.

— Нормурод ака, фикрингизга қўшиламиз. Албатта, фуқароларимизда, айниқса, ёшларда истиқлол дунёқарашини шакллантирмоғимиз лозим. Лекин «Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси»ни махсус курс сифатида ўрганиш, имтиҳон, ҳатто, давлат имтиҳони топшириш уни эски, тоталитар коммунистик дунёқараш — марксизм-ленинизм асосларига ўхшатиб юбормайдими?

— Гапингизда жон бор. Мен шундай фикрни айрим ижтимоий фанлар мутахассисларидан ҳам эшитяпман. Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси, биринчидан, марксизм-ленинизм эмас, у бир синф томонидан иккинчи бир синф ҳокимиятини инқилобий йўл билан олишни, жамиятнинг иқтисодий-сиёсий, маънавий тизим ва қадриятларини зўрлик билан тубдан ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган сиёсий идеология эмас. Бунинг фарқи катта. Иккинчидан, у ўз олдига бир партия, бир миллат, халқ ёки ижтимоий гуруҳ мафкурасининг яккаҳокимлигини ўрнатиш, қарор топтириш тарафдори ҳам эмас. Балки, у мамлакатимиздаги барча миллат, элат, халқ, ижтимоий гуруҳ, партияларнинг бирлик, ҳамкорлик, яратувчилик йўлидаги фаолиятини уйғунлаштириш, бир мақсадга йўналтириш, жамиятни поклаш, умуминсоний қадриятларни ҳаётийлаштириш негизида миллий қадриятларни тиклаш, тобора такомиллаштириш, ривожлантиришга қаратилган мафкурадир. Учинчидан, бу мафкура, эски мафкурадан фарқли ўлароқ барча фанлардан, адабиёт ва санъатдан партиявийликни, партиявий меъёрни, йўналишни талаб қилиб, уларнинг ривожланишига тўсиқ бўлмасдан, аксинча хилма-хилликлар уйғунлиги ва уйғунлик хилма-хиллиги диалектикасига кўра мавжуд, ривожланувчи мафкурадир. Тўртинчидан, Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси сароб идеаллар қобиғидан чиқолмасдан ҳаёт мураккабликлари, қарама-қаршиликларидан узоқ бўлган коммунистик идеологиядан фарқли тарзда қайноқ ҳаётдан, унинг талабларидан келиб чиқувчи ҳамда унга хизмат қилувчи, жамият тараққиётига мос, унинг иқболи ва истиқболи сифатида равшанлашиб борувчи мўътабар қадриятдир.

Шунинг учун ҳам уни асосий ижтимоий фанлардан бири сифатида дарс жадвалига киритишдан ҳеч чўчимаслигимиз керак. Яна такрор айтаман, у ҳаммамизни зада қилган коммунистик идеологияга ҳеч ўхшамайди.

— Домла, миллий истиқлол мафкурасини коммунистик идеологияга ҳеч ўхшамайди, деяпсиз. Аммо идеологиялар маълум умумийликларга ҳам эга бўлади-ку?

— Мен шу ўринда икки нарсага диққатни жалб қилмоқчи эдим. Биринчиси, бу сиёсат ва мафкура ўртасидаги боғланиш. Сиёсат маълум мақсад, манфаат йўлида ўзининг бошқарувчанлик, йўналтирувчанлик ва назорат вазифаларини амалга оширишига кўра, мафкуравий мазмун-моҳиятга ҳам эга. Бугунги кунда ҳукуматимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат чин маънони, сўздан амалий ишга ўтиши лозим.

Иккинчи айтилган фикрга аниқлик киритиб, шу нарсани яна такрор таъкидламоқчи эдимки, Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси бу идеология эмас. Идеология ва мафкурани фарқлаш лозим. Ҳолбуки, бизда мафкура тушунчаси идеология тушунчасининг таржимаси сифатида ишлатилаётир. Бунга қўшилиб бўлмайди. Бинобарин, мафкура идеологияга кўра анча кенг тушунча. Идеология эса унинг бир жиҳати, тўғрироғи, сиёсат, сиёсий онг ва жамият аъзоларининг сиёсий менталитети билан алоқадор ижтимоий ҳодиса. Шунинг учун ҳам бу мафкурага фуқаролик жамияти маънавий қадриятлари тизимининг ифодаси, деб қарамоғимиз даркор. Бундай ҳолатда мафкура сиёсатлашмаган ижтимоий ҳодиса сифатида давлат, унинг сиёсати билан ҳамнафас бўлади, келажаги буюк давлатни қарор топтиришга хизмат қилади.

— Домла, назаримда, бу фикрларингизда баҳсли ўринлар йўқ эмас. Эҳтимол, бу масалага кейинроқ қайтармиз. Лекин ҳозир бир нарсани равшанлаштириб олсак. Сизнингча, миллий истиқлол мафкурасини кимлар яратиши керак?

— Менимча, тарихнинг, ижтимоий-миллий қадриятларнинг муаллифи — бу халқ. Унинг хазинаси бебаҳо ва туганмас. Негаки, у тинимсиз ижод қилади, яратади. Халқнинг ақлли, фикри теран, заковатли вакиллари унинг турмуш тарзи, орзу-умидлари, эзгу ниятларидан, феъл-атвори, аҳвол-руҳияси, онги, тафаккури, маънавиятидан келиб чиқиб, мафкуравий тамойилларни ишлаб чиқади. Моддий кучга айланиши учун уни халқнинг қайноқ ҳаётига қайтариб беради. Бу ўринда жамият тараққиётининг бурилиш даврида халққа раҳнамолик қиладиган юртбошиларнинг ўрни ҳам беқиёс. Улар ўз даврининг зарурияти ва уйғунлашган, яхлитлашган ҳолда илғаб оладилар, мафкуравий сифатлар йўналишини белгилаб берадилар. Бизнинг миллий истиқлол мафкурамиз асосчиси мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовдир. Бизда мазкур мафкура яратилди. Унинг мазмунини, юртбошимиз айтганларидек, янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи бўлган мустақил инсонни тарбиялаш ташкил этади. Энди ҳамма гап янгича фикрлайдиган фозил инсонни, фуқаролик бурчини тўла ҳис эта оладиган инсонни тарбиялаш, шакллантириш, камолга етказишдадир.

Олимжон НАЗАРОВ сўҳбатлашди.

• Атама ва тушунчалар

ИШБИЛАРМОНЛИК ЛУҒАТИ

ВАЛЮТА ФОНДИ — марказий банк ва молия идоралари ёки халқаро валюта-кредит ташкилотлари ихтиёридаги халқаро ҳисобкитоб ва тўловлар учун фойдаланиладиган чет эл валютаси ва олтин жамғармалари. Ҳозирги ўзгарувчан валюта курси шароитида валюта фондидан валюта курсининг пасайиб кетишдан сақлаш учун фойдаланилади. Мамлакатнинг валюта фондига давлат экспорт-импорт муомаласини молиялашга мўлжалланган ва корхоналар ихтиёрида бўлган чет эл валютаси, чет эл валютасидаги сўм ҳисобидаги пул воситалари ҳамда фуқароларнинг валюта жамғармалари киради.

ВАЛЮТА ҚАМАЛИ — давлат органлари томонидан банклардаги ҳисоб варақаларида турган чет эл валютасидан фойдаланишни чеклаш ёки бутунлай тўхтатиш.

ВАЛЮТА ҲИСОБ ВАРАҚАСИ — корхона ёки бирлашмаларнинг банкда чет эл валютаси сақланадиган ҳисоб варақаси. Бу ҳисобда чет эллик мижоз ва ҳамкорлардан тушган тўловлар, кредитга, хайрияга олинган валюта воситалари тўпланади.

ВАЛЮТАГА ТОВАР СОТИШ — мамлакат ички бозорида конвертирланадиган чет эл валютасига мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган ва хориждан келтирилган товарларни сотиш; чакана савдонинг янги шакли. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун валюта тўплаш заруратидан келиб чиққан, валютага мол сотиш билан махсус фирмалар ва савдо уйлари шуғулланади.

ВОСИТАЧИЛАР, даллоллар — юк ташиш, сақлаш, суғурта, товарлар сотиш, уларни харид этиш, қарз пули топиб бериш, шунингдек, ишсизларни иш билан таъминлаш каби соҳаларда муомала ишларини амалга оширадиган алоҳида шахслар ҳамда муассасалар. Ўз ҳисобидан иш кўрадиган, ишлаб чиқариш-истеъмол занжирида савдогарлардан фарқ қилиб, воситачилар кафолатчи ҳисобига иш кўрадилар ва эвазига улардан мукофот оладилар. Воситачилар вақтинча ишсизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ГЕРБ БЕЛГИСИ — тижорат ва молиявий ҳужжатлар, шартнома, вексель, чек ва шунингдек, айрим маркаларни тузиш учун мўлжалланган махсус босма иш қоғози. Уларни сотиш йўли билан давлат герб—(тамға) йиғимини олади.

ГЕРБ СОЛИҒИ — турли келишувларни расмийлаштириш, компанияни ёки унинг акционерлик капитали кўпайганлигини рўйхатга олиш, ишончнома, ижара, облигация, акция ва қимматбаҳо қоғозларни ўтказиш ҳақидаги шартномалар, васийлик, воситачилик, вакиллик тўғрисидаги битимлардан олинадиган солиқ.

ГИПЕРИНФЛЯЦИЯ — ҳаддан ташқари инфляция, нархнинг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши. Гиперинфляциянинг яна бир муҳим белгиси — корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли нима қилиб бўлса ҳам товар сотиб олиш мумкин бўлган, қадри юқори пул-валюта йиға бошлайди. Гиперинфляция шароитида нарх-навони мутлақо тартибга солиб бўлмайди, бартер авж олади, пул ўз вазифаларини бажармай қўяди. Гиперинфляция иқтисодий ҳалокат демак. Унинг олдини олиш учун шошилинч ҳолда инфляцияга қарши чоралар кўрилади.

ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ — давлат томонидан корхона ва хўжаликларга муайян маҳсулот турини тайёрлаш, ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот характеридаги ишларни бажариш бўйича бериладиган топшириқ. Уни бажариш махсус шартнома билан келишилади, биринчи навбатда ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мўлжалланади. Давлат буюртмасини бажариш, айниқса, бозор шароитида корхоналарга муайян имтиёзлар яратади: давлат хом ашё таъминоти, иш ўринлари ва маҳсулот сотилишини кафолатлайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан давлат буюртмасининг ҳиссаси кескин камаяди. Аммо баъзи доираларда: мудофаа, фан, соғлиқни сақлашнинг айрим тармоқлари, болалар истеъмоли предметлари ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби соҳалар учун давлат буюртмаси сақланиб қолади.

Оқолтин Сирдарё вилоятидаги йирик туманлардан бири. Лекин ишчи кучи кам. Шунинг учун ҳам бу ерда техника деҳқоннинг асосий таянчи. Усиз мўлжалдаги ҳосилни етиштириш ҳам, уни ўз вақтида нобудгарчиликсиз йиғиб-териб олиш ҳам мумкин эмас.

Тўғри, ўтган йили об-ҳаво деҳқончилик, хусусан, пахтачилик учун оғир келди. Октябрь ойи охиридан бошлаб сурункали ёғингарчиликлар бошланди. Оқибатида кўп ҳосил далада қолиб кетди. Режалар бажарилмади. Бундан хўжаликлар иқтисодиёти ҳам, аҳоли ҳам катта зарар кўрди.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бу йил яхши келди. Асосий майдонларда чигит ўз вақтида экиб олинди. Ҳозир дастлаб уруғ тушган пайкалларда пахта пешма-пеш очилмоқда. Энди уни ўз вақтида териб, саранжомлаб олиш даркор. Акс ҳолда бориб ҳам айрилиб қолиш мумкин.

Биз мавсумолди тайёргарлиги билан танишиш мақсадида қатор хўжаликларда бўлдик.

• Пахта теримига тайёргарлик— «Ўзбекистон овози» назоратида



ИШЛАР ЧАТОҚ-КУ, РАИС!

27 август соат 12. Усмон Носир номли ширкатлар уюшмаси идораси биноси олдидамиз. Бир аёл у ер, бу ерларни тозалаб юрибди.

— Ҳеч ким йўқ,— деди у бизларни ичкари кираётганимизни кўриб.

— Раис қаерда?

— Билмайман.

— Бош агроном, бош инженер-чи?

— Улар ҳам йўқ.

— Бўлмаса биз устахонага борамиз. Раис ёки мутахассислар келишса хабар беришсин, деб устахонага йўл олдик.

У ерга кираверишда бир йигит қўлида аллақандай эҳтиёт қисмни кўтариб чиқиб, тезда тескари томонга бурилиб кўздан ғойиб бўлди. Ҳовлидамиз. Чор-атрофда ҳеч ким кўринмайди. Фақат бўлакларга ажратиб ташланган тракторлар, сочилиб ётган темир-терсаклар. Марказий устахона, деб ёзилган бино дарвозасида отнинг калласидек қулф осиғлиқ.

Устахона ҳовлисининг ташқарисидаги сайхонликда қатор қилиб териб қўйилган терим машиналарига кўзимиз тушиб ўша ёққа юрдик. Бу ерда ҳам ҳеч ким йўқ. Яқинлашганимизда ҳайрият бир йигитга кўзимиз тушди. У юк машинаси ғилдирагини алмаштираётган экан.

Ўзини слесарь Шуҳрат Баратов, деб таништирди.

— Нега ҳеч ким кўринмайди?

— Одамлар уйига, тушликка кетишган. Бизда соат ўн иккидан ўн тўртгача тушлик.

— Булар тайёрларими?— сўраймиз ундан саф тортиб турган терим машиналарини кўрсатиб.

— Асосан тайёр қилиб қўйилган. Лекин ҳаммасида ҳам озгинадан камчилиги бор.

— Бирортасини кўрсак бўладими?

— Бемалол, хоҳлаганингизни кўраверинг.

Шу пайт учинчи бўлим механизатори Норбой Тўраев келиб қолди. Биргалашиб дуч келган терим машинаси олдига бориб, териш аппаратини кўздан кечирдик. Не кўз билан кўрайликки шпинделларинг ярми йўқ. Қолганлари занглаб ётибди. Орасида ўтган йили тиқилиб қолган пахта, ғўза чаноқларининг қолдиқлари. Хуллас, ўтган йили теримдан сўнг келтириб қўйилгандан бери қўл урилмаган. Шиналари чириб ёрилиб ётибди. Бошқа терим агрегатлари ҳам ундан яхши эмас.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1994 йилги пахта ҳосили йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида шу йил 1 сентябргача пахта йиғим-терими техникаси, юклаш — ташиш воситалари бекаму кўст тайёр бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланган. Лекин Усмон Носир номли ширкатлар уюшмаси раҳбар ва мутахассислари қарордан бехабар кўринишади. Чунки терим мавсуми эшик қоқиб турганига қарамай ҳамма ерда тинчлик, осойишталик. На бошлиқларни топасиз, на ишловчиларни. Интизом, талабчанлик, назорат бўлмагач бошқа нимани ҳам кутиш мумкин.

Соат учларга яқин устахонага токар Рихсибой Абдураззоқов келди.

— Нега иш вақтида кўринмайсиз,— деб берган саволимизга:

— Эҳтиёт қисм бўлмаса, нима қиламан, бу ерда пашша қўриб, темир йўқлигидан панжара тўсиқларни бузиб болт, гайка ясаяпмиз-ку,— деб жавоб берди ва қўшиб қўйди,— бунинг устига бир неча ойдан бери маош йўқ. Пул бўлмагач, ишга қизиқиш бўлармиди?

Хуллас, соат тўртга яқинлашганда ҳам устахонада иш бошланмади. Уч-тўртта одамдан бошқа одам келмади. Тўртлардан сўнг идорага яна келдик. Аммо ҳамон ҳеч ким йўқ.

— Байрам муносабати билан ўтказиладиган тадбир учун ёзги кинотеатр атрофи тозаланаётган эди. Балки раҳбарлар ўша ёқдадир,— деди идора қоровули Зокир Жалилов.

Ўша ерга бордик. Бешолтита аёл уёқ-буёқни тозалаётган экан. Йўл четида иккита транспорт трактори тиррилаб турибди. Ярим соат турибмизки, уларнинг овози ўчмайди. Нега булар турган ерида ишлаб турибди, ахир қимматли ёнилғи исроф бўлаяптику, деб берган саволимизга тракторчилар:

— Аккумулятор йўқ. Тўхтатсак қайтиб юргиза олмаймиз,— деб жавоб беришди.

Шундай қилиб, ўша куни кечгача раис Маҳмуд Тўхмоқовни ҳам, бош ҳосилот Умматқул Жўраевни ҳам тополмадик. Ҳайрият, соат саккизларда бош ҳосилотни наряд ўтказиш учун идорага келганда учратдик. Лекин у хўжаликда теримга тайёргарликнинг бориши ҳақида тайинлик гап айтолмади. Раис эрталаб келса, ўшанда ҳаммасини билиб оласизлар, деди.

Эртасига соат тўққизларда идорага келиб раисни яна учрата олмадик. Шундан сўнг пахта далаларини айландик. Ғўзаларни ўт босган. Пайкаллар паст баландлиги туфайли ўсимликни бир қисми яхши ўсмай қолган. Бир қисми эса, сувни кўп ичиб, ғовлаб кетган. Ғўзаси сийрак, ҳосил касаллик ва зараркунандалар исканжасида қолган далалар ҳам анчагина.

Тартиб, интизом бор жойда иш юришади, дейишади. Аммо Оқолтин туманидаги Усмон Носир номли ширкатлар уюшмасида бу ҳақиқат унутиб қўйилган кўринади. Раис кунлаб қорасини кўрсатмаса, мутахассисларни топиб бўлмаса бошқалардан нима кутиш мумкин? Шунинг учун хўжалик пахтачилиги орқага кетиб бораяпти.

Тумандаги Бобур номли ширкатлар уюшмаси ҳам йирик хўжалик. Бу йил 9300 тонна пахта тайёрлаш, шунинг 95 фоизи машиналарда териш режалаштирилган. Бу хазилакам эмас. Катта тайёргарликни талаб этадиган иш. Биз ширкатлар уюшмаси раиси Зарим Якубов ва бош ҳосилот Аджиброн Холитовни гарчи идорадан топган бўлсакда, терим техникасини созлашда бу ерда ҳам катта камчиликлар борлигининг гувоҳи бўлдик. Далалар ҳам машина теримига мосланмаган. Ўт босган, ғўзаси паст-баланд пайкалларни учратдик.

Иккала хўжаликнинг ҳар бири қарийб 10 минг тоннага яқин пахта тайёрлаши керак. Туман хирмонининг тақдирини шу иккала хўжалик муваффақияти белгилайди. Аммо ўлда-жўлда ишлар бу ерда йиғим-терим муваффақиятли бўлади, пешона тери эвазига етиштирилган ҳосил қисқа муддатда саранжомланади, дейишимизга асос бўлолмайди. Лекин ҳали вақт бор. Фақат қатъий интизом, масъулиятни ҳис қилган ҳолда, талабчанликни бўшаштирмай, ҳалол тер тўкишга тўғри келади. Ана шунда ўтган йилгидек режани бажаролмай, ер чизиб қолинмайди.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

* * *

СУРАТЛАРДА: 1. Усмон Носир номли ширкатлар уюшмасида пахта теримига «тайёр» қилиб қўйилган агрегат.

2. Бобур номли ширкатлар уюшмасида терим мавсуми эшик қоқаётган бўлса-да, бир қисм техниканинг аҳволи мана шундай.

3. Усмон Носир номли ширкатлар уюшмаси марказий устахонаси ҳовлисида бундай манзара одатий ҳол.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

• *Бирлашманинг бугуни ва эртаси*

МАҚСАД—ХАЛҚ ДАСТУРХОНИНИ ТЎКИН ҚИЛИШ

Миллий валютамиз муомалага киритилиши муносабати билан унинг қадр-қимматини ошириш, харид қувватини мустаҳкамлаш борасида юртбошимизнинг куйинаётгани бежиз эмас. Ушбу мақсадга эришишнинг мақбул йўлларидан бири — бозорларни нарх-навонинг кескин кўтарилишига сабабчи бўлаётган олибсотарлар, чайқовчилардан тозалаш ва айни пайтда арзон маҳсулотлар билан таъминлашдан иборат. Тошкент вилояти мева-сабзавот ва узумчилик саноат бирлашмаси ана шу хайрли ишларга бевосита дахлдор ташкилотлардан биридир. Қуйида унинг бўлинмаларида амалга оширилаётган юмушлар, тўпланган тажрибалар ва муаммолар ҳақида гап юритилади.

Кейинги вақтда пойтахтимиз йирик деҳқон бозорларида катта юк ташувчи машиналарда — картошка, пиёз, сабзи, саримсоқ пиёз, бодринг, помидор, қовун сингари турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари келтириб сотилаётир. Бу маҳсулотлар биронбир жамоа хўжалиги деҳқонлари меҳнат маҳсули эканлиги ва бундай машиналар кўпайган сайин бозорда нарх-наво тушишини яхши тасаввур қилиш мумкин, лекин аҳолига бундай қулайликларни кимлар яратяпти, унинг ташкилотчи ва мутасаддиларини билмаслигингиз мумкин. Вилоят мева-сабзавот ва узумчилик саноати бирлашмаси туман ҳокимлари билан биргаликда худди шундай масъулиятни зиммасига олган.

. — Мен асосан, «Қўйлиқ» бозорига тушаман, — дейди Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Нигмат Солихов. — У шаҳар марказидан олисроқ, деҳқон хўжаликларига яқинроқ жойлашгани учунми ҳар ҳолда бозор арзон. Ярмарка ташкил этилаётганидан бери эса харидорлар рўзғорига барака кирмоқда.

Қаранг, қайси бозор олибсотарлардан тозаланаётган ва айни пайтда ярмаркалар ташкил қилинаётган бўлса — ўша жойда нархнаво тушаётир. Вилоят бирлашмасининг ҳам шаҳар аҳолисига сифатли ва арзон маҳсулотлар етказиб беришга эришишдан бўлак мақсади йўқ, албатта. Чунончи, бирлашма ихтиёридаги 76 та мева-сабзавот етиштириб берувчи хўжаликда деҳқонлар ўз бурчларини сидқидилдан ўташга ҳаракат қилмоқдалар. Бирлашма раиси Комилжон Шокировнинг таъкидлашича, пойтахтнинг ҳар бир бозори маълум жамоа хўжалигига биркитиб қўйилган. Бунда ортиқча ҳаражатларга йўл қўймаслик, маҳсулотлар сифатига зарар етказмаслик масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Масалан, «Олой», Аҳмад Дониш бозорларини Тошкент тумани, «Бешёғоч», «Ал-Хоразмий», «Қўйлиқ», «Қорасув», «Назарбек» бозорларини эса Зангиота тумани соҳибкор сабзавоткорлари сархил маҳсулотлар билан таъминлаб турибдилар. Айниқса, Тошкент туманидаги А. Навоий номли, Абдураҳмонов номли, М. Фозилов номли, Зангиота туманидаги «Ўзбекистон», Навоий номли, «Бўзсув» сингари хўжалик деҳқонлари шаҳарликлар дастурхонини сара маҳсулотлар билан тўкин қилиш ниятида жонбозлик кўрсатаётирлар. Шу боис улар уюштираётган ярмаркалардан пойтахт аҳолиси беҳад мамнун.

Бугунги кунгача улар тортиқ этган сабзавот маҳсулотлари 20 минг тоннадан ошиб кетди. Агар бу рақамни ўтган йилдагига қиёслайдиган бўлсак, 20 тонна кўп, демакдир. Шунга ўхшаш фарқни картошка, мева топширишда ҳам кўриш мумкин. Аҳолига 13 минг тонна картошка, 14 минг тонна мева сотилгани деҳқонлар бу йил баракали ҳосил етиштираётганидан далолатдир. Режа бўйича бирлашма жорий йил охиригача давлатга жами 95 минг тонна узум, 362 минг тонна сабзавот, 81 минг тонна картошка ва 50 минг тонна мева маҳсулоти топшириши керак. Шу пайтгача бирлашма деҳқонлари томонидан пойтахт бозорларида қарийб 9 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилди. Шундан 6250 тоннасини сабзавот, 1316 тоннасини картошка, 136 тоннасини полиз ва бошқа харидорбоп маҳсулотлар ташкил этди. Олтин куз кириб, ғарқ пишиқчилик мавсуми бошланиши билан бозорлар яна тўкинлашди. Мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари турлари бир неча бор кўпайди. Бу борада ҳам Комилжон Шокировнинг ўзига хос қатъий фикри бор:

— Ярмаркаларни ўтказишдан асосий мақсад шаҳарликлар дастурхонининг мўл-кўллигини таъминлашдан ташқари, миллий валютамиз обрўйини ошириш ва айни пайтда бозорлардаги нарх-навони бирмунча туширишдан иборат, — дейди у. — Ҳақиқатан ҳам бизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз зое кетмаяпти. Бу хайрли иш мавсумий бўлиб қолмаслиги керак. Тўғри, имкониятлардан оқилона фойдаланишда гап кўп. Лекин автотранспорт масаласида бундай фикрни билдириб бўлмайди. Улар етарли бўлмагани сабабли айрим пайтда тайёр маҳсулотларни жўнатиш муаммога айланяпти. Агар пойтахт автотранспорт корхоналари бу ишда бизга кўмаклашса, айни муддао бўларди. Биз ҳатто ёрдам берган корхоналар ишчиларига келишилган нархларда ноз-неъматлар жўнатишимиз мумкин. Ахир қарс икки қўлдан чиққани яхши-да!

Бирлашма раиси билан суҳбатда шу нарса аён бўлдики, деҳқонлар нафақат шаҳарни ноз-неъматлар билан таъминлаш, балки экинлар ҳосилдорлигини ошириш, гектарлар самарадорлигига эришиш, истиқболли нав экинларини кўпайтиришга ҳам жиддий эътибор беришаётган экан. Ўз навбатида бирлашма маъмурияти ҳам дала меҳнаткашлари жонбозлигига жавобан улар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш пайтида бўлаётир. Бу йўналишдаги муҳим вазифалардан бири — Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов алоҳида уқтирганидек, деҳқонларга тўла эркинлик беришдан иборат. Бирлашма раисининг фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида ерларни фермер хўжаликларига, ижарачиларга бўлиб бериш энг мақбул йўл. Ер ижарага 20-40 йиллик муддатга берилиши мақсадга мувофиқ. Шундай қилинганда деҳқоннинг ерга бўлган хўжайинлик ҳисси ортади, ҳосилдорликни ошириш учун барча имкониятларни ишга солади. Ижарачилик усули боғдорчиликда ҳам ўз самарасини бераётир. Лекин бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида бир неча бор таъкидланганига қарамасдан иш жойидан кўчиши кўнгилдагидек эмас.

Яна бир муҳим масала — у ҳам бўлса деҳқон етиштирган маҳсулотига қандай эгалик қилиши керак? Масалан, у жамоа хўжалиги билан тузилган шартнома мажбуриятини тўла бажарди дейлик. Хўш, ундан ортиқчасини нима қилади? Бундай пайтда хўжалик бошқаруви қарори билан (деҳқонни рағбатлантириш маъносида) маҳсулотни унинг номига расмийлаштириб берсин. Ўша шу ҳужжат билан ўз маҳсулотини истаган бозорида сотаверади. Агар оғирини енгил қилиб, савобга қоланман, деган хўжалик раҳбари бўлса ўша маҳсулотни ундан бозор нархида олгани яхши. Яратилган бундай шарт-шароит ва ғамхўрликка жавобан дала меҳнатчиси икки баробар кўпроқ ишлашга, бинобарин, ерга бўлган хўжайинлик ҳиссини янада оширишга ҳаракат қилишига шубҳа йўқ. Сиздан угина, биздан бугина, деб шунга айтсалар керак-да! Бунда деҳқон жамоа хўжалигига нисбатан гектаридан кўпроқ ва сифатлироқ ҳосил етиштиргани, маҳсулотни эса аъло даражада сақлай билишини унутмаслик лозим. Ушбу масала Тошкент, Зангиота туманларида ижобий қал қилинмоқда, етиштирилган ҳосил тўлиқ ҳисоб-китобга киритилмоқда, ташмачиликка йўл қўйишнинг олди олинмоқда.

Бирлашма номидан ҳам кўриниб турибдики, у фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан кифояланмай, ҳом ашёни сақлаш, қайта ишлаш билан ҳам шуғулланади. Унинг тасарруфида нафақат вилоятда, балки республикада йирик корхоналардан ҳисобланган Янги Тошкент ва Янгийўл консерва заводлари ишлаб турибди. Чиқитсиз технологиянинг жорий этилишида уларнинг аҳамияти катта. Республикамиз аҳолисини қишда ҳам етарли сабзавот, мева маҳсулотлари билан таъминлашга жалб этилган юқоридаги қайта ишлаш корхоналари йилданйилга ишлаб чиқариш қувватларини ошириб бораётирлар. Жумладан, Янгийўл консерва заводи йил охиригача 85 миллион, Янги Тошкент қайта ишлаш корхонаси эса 62 миллион шартли банка консерва тайёрлаб, аҳолига сотиши керак. Шу тармоқда меҳнат қилаётганлар аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини ҳисобга олиб, маҳсулот турларини кўпайтириб сифатига алоҳида эътибор беришмоқда. Патиссон, қулупнай, бақлажон, шафтоли, малина, аччиқ-чучук ва бошқа мева, сабзавотдан тайёрланган консервалар харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Айниқса, Янгийўл консерва заводида хом ашё таъминотида узилиш бўлмаслиги учун бор имкониятлардан ишбилармонлик билан фойдаланишнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Корхонада асосий ишлар механизация зиммасида. Прицепли машиналар махсус жойда тўхтаб, маҳсулотни тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш конвейерига тўкади. Идишларда келтирилган бошқа хом ашёлар эса кичик механизация ёрдамида цехларга ташилади. Шу боисдан бўлса керак, кунлик топшириқлар ортиғи билан бажарилади. Лекин иккала корхонада ишнинг янада самаралироқ бўлишини таъминлаш имкониятидан фойдаланиш зарурга ўхшайди.

Бу — маҳсулотни саралаш масаласи билан боғлиқ. Ушбу юмуш асосан қўлда бажарилади ва анча вақтни олади. Пишмаган ёки чириган хом ашё конвейерга ўтиб кетса маҳсулот сифатига таъсир этмасдан қолмайди, албатта. Шу маънода қайта ишлаш корхоналарига жўнатилаётган маҳсулотлар даланинг ўзида сараланса, мақсадга мувофиқ бўлмайдими? Шу ўринда яна бир мулоҳаза: айрим жамоа хўжаликлари сифатли хом ашёни аввал бозорга, кейин дўконларга, энг ёмонини консерва заводларига жўнатишдан тийилишлари лозим. Аслида эса барча маҳсулотлар навларга ажратилиши, уларнинг сифати, нитрати қай даражадалигини акс эттирувчи сертификатлар билан манзилга юборилиши талаб қилинади. Ўз навбатида қайта ишлаш корхоналари ҳам стандарт талабларига жавоб бермайдиган хом ашёни қабул қилмасликлари керак. Ана шундагина сих ҳам, кабоб ҳам куймайди, тайёр маҳсулотлар сифатлилиги, кўркамлигига эришилади.

Бирлашманинг молиявий аҳволи ҳақида сўз юритадиган бўлсак, йил бошидан буён бирлашма ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаб келмоқда. Қишлоқ хўжалигига ва саноатга шартнома асосида хизмат кўрсатганлиги учун ҳақ олади, хўжаликларнинг молиявий ва хўжалик ишларига аралашмайди.

Хулоса қилиб айтганда, мақсадимиз бирлашманинг барча фаолият қирраларини батафсил ҳикоя қилиш эмас, балки халқимиз талаб-эҳтиёжидаги муҳим йўналишларда олиб борилаётган айрим ишларни таҳлил қилишдан иборат эди. Кузатувлар шуни кўрсатдики, бирлашма тасарруфидаги хўжалик ва корхоналар асосий диққат-эътиборни пойтахт аҳолисини сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари, турли консервалар билан таъминлашни яхшилашга қаратишмоқда. Буни яхши тушунган бирлашма маъмурияти деҳқон ва ишчиларнинг моддий, ижтимоий ва маиший аҳволини тубдан ўзгартиришга қаратилган қатор тадбирларни амалга ошириш режасини кўраётир.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Хотира*

ЯХШИДАН ҚОЛГАН БОҒ

Дарвоқе, одамзотнинг умри иккита даврга бўлинади: бири у яшаб ўтган йиллар билан белгиланса, иккинчиси бу фоний дунёдан ўтиб кетганидан кейинги давр билан ўлчанади. Биз бугуни илиқ сўз, нурли хотиралар билан йўқлаётган ажойиб инсон Аҳрор Музаффаров ана шу икки даврда ҳам сизу бизга ибрат бўлгулик умрни яшаб ўтди, десак арзийди.

У киши ҳақида гап кетса, илм аҳли фахр ва ғурур ила фанда яратилган катта боғнинг боғбонларидан бири эди, деб эслайди. Дарҳақиқат, ундан серҳосил бир боғ қолди, десак янглишмаймиз. Агар у кишига ҳаёт вафо қилганида бугун 85 ёшни тўлдириб шогирдлари даврасида қўр тўкиб ўлтирган бўлар эди.

Аҳрор акадан кўп нурли хотиралар қолди. У ҳазил-ҳузулни яхши кўрарди. Шогирдлари, ҳамкасбларининг кўнглини шод қилиб, гоҳо-гоҳо кулдириб юрарди. Лекин ишга келганда анча жиддийроқ, илмий ечимларни узоқ таҳлил қилиб, аввало ўзи ана шу чиқарган хулосасига қаттиқ ишонганидан сўнггина бир тўхтамга келиб шогирдларига йўл-йўриқ кўрсатарди. У Тошкентга келгунича дастлабки билимни аввал Чимкентда, сўнг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида олганини кўп сўзларди. Биринчи илмий фаолияти 1936 йилда Фарғона Давлат педагогика институтининг биология кафедрасида бошланган. Ҳалигача Аҳрор аканинг 1943 йили «Марғилонсой сув ўтлари флораси» мавзусида ёқлаган номзодлик диссертациясини кўплар ҳайрат билан эслашади. Чунки у киши Урта Осиёда биринчи бўлиб сув ўтларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, унинг инсон учун туганмас яшил хазина эканлигини исботлаган эди-да.

Ҳассос олим Ўзбекистонда ташкил қилинган жуда кўп илмий экспедицияларда қатнашган. Ўрта Осиё тоғ-сув ҳавзаларидан 5000 дан кўпроқ сув ўти намуналарини тўплаб, уларни изчил ўрганди. Муттасил меҳнат 1952 йилда ўз самарасини берди. Шу йили домла фан докторлиги илмий даражасига эришди. Ана шундан кейин Аҳрор Музаффаров ҳаётида катта ўзгаришлар бошланди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институтида директор, Тошкент Давлат университетининг тубан ўсимликлар кафедрасида мудир бўлиб ишлади.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Аҳрор ака Урта Осиёда сув ўтшунослик фанига биринчи бўлиб асос солди. Шу боис ҳам у кишини билган-таниганлар «хлореллачи домла» дейишарди. Шу ўринда хлорелла ҳақида тўхталмоқ жоиз. Ҳозирги пайтда унинг совуққа чидамли — мезофил ва иссиққа чидамли — термофил штаммлари маълум бўлиб, улар халқ хўжалигининг кўп соҳаларида қўлланилади. Хлорелла айниқса, чорвачиликда, пиллачиликда, паррандачиликда ва саноат оқава сувларини тозалашда, ниҳоят, пахтачиликда ишлатилади. Оддийгина мисол. Хлорелла суспензияси (суюғи) чорва моллари учун озиқ-овқат рационига қўшиб тўғридан-тўғри сув ўрнида берилса, маҳсулдорлик 20—25 фоизга ошади. Айниқса, соғиладиган сигирларнинг сутлари кўпайиб, сифати яхшиланишида унинг ўрни бор. Бундан ташқари, хлорелла ва бошқа сув ўтлари қорамоллар учун шифобахшлик хусусиятига ҳам эга.

Маълумки, мамлакатимизнинг асосий тармоғи ҳисобланмиш пахтачиликда пахта чиқиндиси бўлган шрот, чигит пўстлоғи ва кунжара чорва моллари учун асосий озуқа манбаи ҳисобланиб, у билан сурункали боқилган моллар госсиполдан заҳарланар эди. Аҳрор Музаффаров раҳбарлигида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, сув ўтлари, айниқса, хлорелла ва сценедесмус моллар учун тўйимли озуқа бўлибгина қолмай, балки уларнинг юқоридаги касаллик билан заҳарланишининг олдини олар экан. Ҳозирги кунда республикамизнинг қатор хўжаликларида хлорелла етиштириладиган кўплаб мосламалар қурилган.

Айтайверсак, домланинг таъсирли беҳад. У кишининг республикамиз фан тараққиётини юксалтиришга қўшган ҳиссаси бугунги кунда ўз самарасини кўрсатяпти ҳам. Унинг шогирдлари ўз устозларининг бошлаб кетган нурли йўлларидан муваффақиятли бормоқдалар. У киши сув ўтларининг систематикаси, биологияси, тарқалиши ва халқ хўжалигида қўлланилишига оид ўнта монография ва 200 дан зиёдроқ илмий асарлар ёзиб қолдирди. Микробиология институтидек катта илмий даргоҳга бошчилик қилиш билан бирга Аҳрор ака жамоат ишларида ҳам фаол қатнашган. «Ўзбекистон биология журнали»нинг ташкил этилишида ҳисса қўшган. Умрининг охиригача шу журналда бош муҳаррирлик қилди. Шу ўринда унинг раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва номзодлари етишиб чиққанлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ керак. Шогирдлар орасида ҳатто чет элликлар ҳам бор эди.

Аҳрор Музаффаров Урта Осиёда сув ўтшунослик (альгология) мактабини яратиб кетди. Яхшидан боғ қолади, деганлари рост экан. Мана бугун домладан қолган боғ гуллаб, яшнаётир. Бу боғда унинг юзлаб, минглаб издошлари ўз устозларининг чироғини ёқиб юришибди. Бу чироқ эса ҳеч қачон ўчмайди.

Рисқали ШОЕҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника илмий-тадқиқот институти бўлим мудири, биология фанлари доктори.
Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг маърифат ва фан кўрсатувларн таҳририяти бош муҳаррири, биология фанлари номзоди.

КЎЧМАС МУЛК—БУ ЎЛМАС САРМОЯДИР!

УНИНГ СОҲИБИ БЎЛАН ДЕСАНГИЗ, Сирдарё вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ГУЛИСТОН ШАҲРИДА 10 СЕНТЯБРДА ўтказиладиган кўчмас мулк бўйича

КИМ ОШДИ САВДОСИГА ШОШИЛИНГ! САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

«НАВРУЗ» ЧОЙХОНАСИ

Гулистон шаҳридаги «Баҳор» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Ер майдони 450 кв. м. Бино пишиқ ғиштдан қурилган, бир қаватли, ертўласи бор.

Дастлабки баҳоси — 45 минг сўм.

«ШОЛИКОР» ҚАҲВАХОНАСИ

Сайхунобод туманида Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани билан чегарадош кўприк ёнида жойлашган.

1979 йилда пишиқ ғиштдан қурилган, фойдали майдони 240 кв. м. 20 сотих ер майдони ҳам бор.

Дастлабки баҳоси — 9 минг сўм.

ЯНГИЕР ШАҲРИДАГИ «ШОДЛИК» МАҲАЛЛАСИДА ЖОЙЛАШГАН 2-ҲАММОМ

Бир қаватли, 1988 йилда бетондан қурилган бино. Ҳаммом 110 ўринли, ўз қозонхонасига эга. 10 та душхонаси ва 4 кабинаси бор. Ҳаммом марказий канализация тизимига уланган.

Дастлабки баҳоси — 83 минг сўм.

БОЕВУТ ТУМАНИДАГИ «ЛАЗЗАТ» ЧОЙХОНАСИ

Чойхона 60 ўринли, Боёвут — Гулистон йўлидан 100 метр нарида жойлашган, 110 кв. м. майдони бор, канал қирғоғида жойлашган. Яқинида автомобилларга ёнилғи қуйиш шоҳобчаси бор. Бино бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, ички манзарали ва ташқи томони мармар — безакли.

Дастлабки баҳоси — 31 минг сўм.

ШАРОФ РАШИДОВ ТУМАНИДАГИ ШАРОФ РАШИДОВ НОМЛИ ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИДА ЖОЙЛАШГАН ҲАММОМ

Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, майдони 200 кв. м. Давлат хўжалиги марказида, уй-жой биноларидан 15 метр яқинликда жойлашган.

Дастлабки баҳоси — 6 минг сўм.

СИРДАРЕ ТУМАНИДАГИ «МАЛИК» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИДА ЖОЙЛАШГАН, ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ПРОФИЛАКТОРИЙ

Объект қурилиши 1989 йилда бошланган. Сирдарё — Малик йўлидан 330 метр нарида жойлашган. Профилакторий биноси 2 қаватли, пишиқ ғиштли. Участкаси «Шўрўзак» канали билан шимолшарқ ва жануб томондан чегаралланган. Ғарбий томонида коллектор ва боғ бошланади. Шифохона яқинида 1,5 минг метр чуқурликдаги минерал сув манбаи бор. Иншоотнинг шайлиги — 70 фоиз.

Дастлабки баҳоси — 350 минг сўм.

ГУЛИСТОН ТУМАНИ НАВОИЙ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДАГИ ҲАММОМ

Ҳаммом 1990 йилда пишиқ ғиштдан алоҳида нақшинкорлик услубида, қўшимча хўжалик биноларн билан қурилган. Ҳаммомнинг 4 та алоҳида хонаси бор. Гулистон — Деҳқонобод йўлидан 100 метр нарида жойлашган. Ҳаммомда чойхона, боғли ер майдони бор.

Дастлабки баҳоси — 56 минг сўм.

ГУЛИСТОН ШАҲРИ МИРЗАОБОД ТУМАНИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БАЗАСИ

Катта ўзбек трактининг Гулистон — Янгиер бекатида 0,6 гектар майдонда жойлашган. Иншоотнинг шайлиги — 40 фоиз.

Дастлабки баҳоси — 31 минг сўм.

ГУЛИСТОН ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН «МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ»

Иншоот Анҳор кўчасидаги IV-даҳада жойлашган. Бино каркас панелли. Умумий майдони 0,30 гектар. Тармоқларга ва сувга уланиш нуқтаси 100 метр нарида. Қурилиш 1991—1992 йилларда олиб борилган. Иншоот шайлиги — 22,3 фоиз (2 босқичдан иборат).

Дастлабки баҳоси — 50 минг сўм.

Ш. РАШИДОВ ТУМАНИ «ТЕМУР МАЛИК» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИДАГИ ҲАММОМ

Бино бир қаватли, ғиштли, манзарали сувоқли. Марказий қозонхонадан иситилади. Марказ ва уй-жой биноларн яқинида жойлашган.

Дастлабки баҳоси — 4,5 минг сўм.

«СИРДАРЕ» МЕҲМОНХОНАСИ

Гулистон шаҳри марказидаги А. Навоий кўчасида жойлашган. 1972 йилда қурилган. 149 ўринли. Меҳмонхонанинг умумий майдони 2183,8 кв. м. Уй-жой майдони 1641 кв. м., номерлар сони 88 та, шу жумладан, бир ўринлиси — 37 та, икки ўринлиси 36 та, «люкс» — 4 та. Ижарага берилган ресторани бор. Сув насос станцияси, кир ювиш хонаси мавжуд. Хусусий мулк сифатида сотиб олинган «Гриль—бар», «Колокольчик» қаҳвахона — бар меҳмонхонага туташган. Меҳмонхона Гулистон шаҳар ҳокимлиги, вилоят драма театри, «Гулистон» кинотеатри, телеграф, почта, гўзаллик салони билан бир қаторда жойлашган.

Дастлабки баҳоси — 800000 сўм.

Ш. РАШИДОВ ТУМАНИДАГИ Ш. РАШИДОВ НОМЛИ ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИССИҚХОНА

Иншоот алоҳида, 1 гектар майдони бор. Ҳудуднинг умумий майдони 3 гектар. Подстанция, қозонхона, совуқ сув билан таъминланган. Давлат хўжалиги чеккасида жойлашган.

Дастлабки баҳоси — 300 минг сўм.

ДЕҲҚОНОБОД ҚИШЛОҒИДАГИ ҲАММОМ

Деҳқонобод қишлоғида ишлаб турган ҳаммом, 1960 йилда пишиқ ғиштдан қурилган, умумий майдони 324,6 кв. м. Шаҳар бозоридан 500 метр нарида жойлашган. Ҳаммом биносида сартарошхона, кассахонаси, иккита алоҳида ишхона, иккита умумий душхона, буғ хонаси бор. Ҳаммом совуқ ва иссиқ сув билан таъминланган.

Дастлабки баҳоси — 9,5 минг сўм.

МЕҲНАТОБОД ТУМАНИНИНГ «ҚАҲРАМОН» ҚИШЛОҒИДАГИ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН «МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ»

Қурилиш 1984 йилда бошланган. Газ, сув ва электр тармоғи яқинида жойлашган. Бино аҳоли яшаш жойидан 100 метр, мактаб, поликлиника ва касалхонадан 300 метр нарида жойлашган. Иншоот Янгиер шаҳридан 24 км, Янгиер — Пахтаобод йўлидан 800 метр нарида жойлашган.

Дастлабки баҳоси — 68 минг сўм.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

(36722) 21-401; 22-846, 23-908.
(3712) 68-17-55; 68-44-56.

МУРОЖААТ ЗАФАРГА ЧОРЛАЙДИ

Бу йил Жиззах вилояти пахтакорлари 310 минг тонна пахта тайёрлайдилар. Ҳосилни йиғиб олишга ҳозирлик кўриш, мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун вилоят фаоллари йиғилишида барча меҳнаткашларга мурожаат қабул қилинди. 3114 та пахта териш машиналарини ишлатадиган механизаторларга, кўпмингкилограммчиларга, талабаларга, ташкилот ва муассасаларнинг жамоаларига қилинган мурожаатда пахтани нобуд қилмай йиғиб-териб олишга даъват этилади.

Мавсум узоғи билан 40 иш кунида якунланиши керак. Терилган пахтага ҳар беш кунда ҳақ тўлаш жорий этилади. Ҳосил ўтган йилга нисбатан бир ой илгари етилганлиги сабабли жойларда уни қўлда саралаб териш бошланди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.

BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зararлидир!

• *Биз билган ва билмаган тарих*

АФСУНГАР ЭМАС, ВАТАНПАРВАР ЭДИ

Тошкентнинг кўҳна мавлуду масканларидан бўлган «Қошиқчи» маҳалласида истиқомат қилиб, узоқ умр кўриб, 60-йилларда дорилбақога юз тутган Муҳиддин қори Шарофиддин ўғлининг тарихий воқеаларга бой хотироту ҳикоятларини мен бутун жисмим ила қулоқ бўлиб тинглардим. Ҳозир ушбу мўътабар зот орамизда бўлсалар, қарийб 115 баҳорни кўрган бўлурди. Нуроний отахон асрий тарихимиздан яхши огоҳ, кўпни кўрган, халқ маъракаларида кўп бўлган.

Муҳиддин қори 1898 йилдаги «Дукчи эшон қўзғолони»дан ҳам дурустгина хабардор, 1905 йилдаги халқ исёнидан воқиф, 1916 йилдаги ҳарбийларнинг Тошкентдаги қўзғолонини ўз кўзи билан кўрган-кечирган. У 1920 йилда Бухоро Халқ Республикаси биринчи қурултойини чақириш комиссиясининг раиси ҳам бўлган, 1918 йилда Тошкент Эски шаҳар ижроия қўмитасининг аъзоси сифатида маърифий ишларда, янгича мактабларни ташкил этишда фаоллик кўрсатган, 1919 йилда эса Фарғона водийси бўйича очликка қарши кураш тадбирларида «эмиссар» лавозимида хизмат қилган. Мен унинг, айниқса, Андижонда яшаб турган чоғларидаги ҳаётий лавҳаларини гинглашни яхши кўрардим. Қорининг Марҳамат қишлоғида бўлгани, Мингтепада Дукчи эшон кўтарган қўзғолон ҳақидаги ҳикоятини вужудим билан тинглаб, ана ўша машҳур исёнчи — Муҳаммадали халфанинг жасоратга, ватанпарварликка тўла ажойиб сиймосини тез-тез кўз олдимга келтирардим.

Тараққийпарвар отахон Дукчи эшоннинг матонатини Арки—Ойбонуларга нисбат берардилар. Бу муҳтарам зот Фозилбек Отабек ўғлининг «Дукчи эшон воқеаси» дея номланган ва 20-йилларда чоп этилган тарихий-ҳужжатли қиссасини кўз қорасидек асраб-авайлаб сақлаб келардилар. Мен Муҳаммад халфа Собир ўғли — Дукчи эшоннинг ҳақиқий ва ҳаётий фотосуратини ҳам дастлаб мана шу тарихий жиҳатдан бебаҳо китоб саҳифасида кўришга бундан 50 йил аввал муяссар бўлгандим. Дукчи эшон бу суратда менга бамисоли бир шердай туюларди, аммо у занжирбанд эди, чунки у ҳибсга олинганидан кейин чор Россиясининг ҳарбийлари унинг оёқ-қўлларини кишанлаб ташлаганди-да.

Муҳиддин қори Шарофиддинов Дукчи эшон қўзғолонига тааллуқли ҳарбий хизматчилардан ҳам бир нечасини шахсан учратиб, Октябр «инқилоб»идан сўнг улар билан суҳбатда бўлган. Шу жумладан, собиқ Асака нойби, кейинчалик Тошкентда истиқомат қилган зобит Еникеев билан ҳам учрашган. У Муҳаммадали халфанинг қўзғолончи йигитларини ушлашда ва сўроқ қилишда роса «чаққонлик» кўрсатган капитан Оғабеков билан ҳам таниш эди. «Инқилоб»дан сўнг бу зобит ҳатто «ЧК»га ҳам ўрнашиб олиб, «қизил»лар сиёсатини амалга оширишда, қанчадан-қанча миллий-озодлик ҳаракатининг ватанпарвар намояндаларини отиб ташлашда қатнашганди ва охир-оқибат «миси» чиққач, хорижий юртга қочиб кетиб, жон сақлаб қолганди... М. Шарофий ҳарбий хизматчи Чанишевни ҳам биларди, у ҳам Дукчи эшон қўзғолонини бостиришда иштирок этган, шўролар вақтида ҳам «босмачилар»ни тор-мор этишда фаол қатнашган, сўнг генерал унвонига етишган...

Муҳиддин қори Шарофий мингтепаликларнинг жасорати ҳақида сўзларкан, уларнинг аждодлари қадимда ҳам қаҳрамонликлар кўрсатган халқ бўлгани ва бу ер милоддан олдин ҳам мавлуду маскан сифатида мавжуд бўлгани, четдан келган босқинчиларга қарши жангларда бир минг қалъадан ҳар бири яксон этилиб, тепаликка айлантирилиб ташланмагунича асло тиз чўкмай қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақида ғурур билан ҳикоя қиларди. Қариянинг сўзлашича, 1919 йилда Андижонда «дашноқ каллакесар»ларига қарши кураш олиб борган. У бошқарган отрядда Мингтепа йигитлари ҳам бўлган. Улар ниҳоятда ўт юрак, ҳеч қандай хавф-хатардан чўчимай, «дашноқ»лар жойлашиб олган жойларга дангал кириб бораверарди.

Эсимда, 60-йилларда халқ олдидаги катта хизматлари учун Муҳиддин Шарофий «Ҳурмат белгиси» нишони билан тақдирланган ҳам. Адолат тантана қилганлиги муносабати билан мен ушбу отахонни табриклагани ана ўша кўҳна «Қошиқчи» маҳалласига шошилдим. Қария ишком тагида, қўлларида ток қайчисини ўйнатиб, хомток қилаётган экан. Мени кўргач, ишни тўхтатдилар-да, қўлларини узатиб, самимий саломлашди. Мен ҳушхабарни эшитган-эшитмаганлиги ҳақида сўраганимда, отахон — «Қандай хушхабар экан, бизга ҳам хушхабар юборадиганлар бор эканми?» деб қолди.

Ёнимдаги газетани олиб, унда босилган фармонни ўқиб бердим ва Муҳиддин отани «Ҳурмат белгиси» нишони билан мубораксбод этдим. У киши бироз жилмайди-да, бошини ғармонли чайқаб дедилар:

— Э, аттанг!.. Мунаввар қори, Саъдулла Турсунхўжаевлар бекорга отилиб кетдилар-да, қатағонга учрамаганларида, адолат уларга ҳам кулиб боқарди... Ҳа, Шароф Рашидов қабулида бўлганим зое кетмабдида, ўзиям ярим соатча суҳбатлашган эди. Мен ҳам бор ҳақиқатни, эл озодлиги йўлидаги хизматларни анча батафсил сўзлаб бергандим ўшанда.

Тушлик чоғидаги ўша суҳбатларимиз асло ёдимдан кўтарилмайди. Муҳиддин Шарофий ҳикоятлари айланиб-айланиб барибир ўша Муҳаммадали халфага келиб тақалди:

— «Дукчи эшон қўзғолони»нинг туб сабаб моҳиятини Чор Россияси сиёсатдонларию ҳарбийлари ҳаспўшлаб, элдан яшириб келганлар. Муҳаммадали Собир ўғлини афсунгар, телба, исённинг жиддий дастури, чуқур мазмуни йўқ эди деб тасвирлашга зўр бериб уринганлар. Бунда турли сотқинларнинг тубан хатти-ҳаракатлари, уйдирмалари, миш-мишлари ҳам қўл келган. Вақтли матбуотда ҳам турли ноўрин ривоятлар босилган, «Туркестанское ведомости»да ҳам Муҳаммадали эшон исёни, қилмишлари, келиб чиқиши, қиёфаси ҳақида талайгина мақолалар босилганди. Йўқ, «Дукчи эшон қўзғолони» шунчаки бир «исёнча»гина эмасди, агар шундай бўлганида Андижонга ва умуман, Фарғона воҳаси, бутун Туркистон ўлкасига турли ерлардан, шу жумладан, Кавказортидан ҳарбий кучлар ташланмасди, қатор генераллар лавозимларидан четлаштирилмасди. Неча-неча полковник, подполковник, штабс-капитанлар иши ҳарбий трибуналга берилмас, генерал Куропаткин зардоблар ютмас, оқпошшонинг «Янги қўшиб олинган ерлар» учун ва Туркистон ўлкасидаги фавқулодда аҳвол учун «пайтавасига» қурт тушмасди... Бу чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши халқ қўзғолони эди. Босқинчилик содир бўлгандан сўнг ўтган 33 йил ичида ўлка бешафқат талангани, бу ердаги халқлар камситилгани, эътиқодлар, анъаналар, миллий қадриятлар поймол этилиб, ҳақоратланганига қарши улкан исён эди...

60-йилларда Муҳиддин Шарофий, Тожиддин қориларникида тез-тез зарофатли суҳбатларга гувоҳ бўлганман. Бундай йиғинларда ўта зукко ва закий, тарихни яхши билган Алихонтўра Соғуний, кекса шоир Абдуғафур Ҳақирий, домла Танбурий, умрини маърифатчиликка бахшида этган Саъдиддин қори, Эрназар қори Эргашбой ўғли, мулла Зиёвуддин қори Бобохон ўғли каби ўз замонасининг ўта билимдон, мозийдан яхши хабардор зотларининг суҳбатлари, хотиротларини эшитиб сира тўймасдим, улар ҳам Дукчи эшон ҳақида кўп сўзлардилар.

Муҳиддин Шарофий ҳам жуда завқ-шавқли одам эдилар, у киши танбур ҳам чертарди, яхшигина таъб назмлари ҳам бор эди. «Қорий» тахаллусида шеърлар, талайгина ғазаллар ҳам битган эди.

Қошиқчидаги ана ўша суҳбатимиз чоғида отахон шундай деганди:

— Албатта, аҳвол ҳамиша бундай бўлиб қолавермайди. Тарих саҳифалари адолатли равишда қайтадан ўқилади.

Дукчи эшон ўқимишли, мулло бўлган. Ижтимоий адолат нималигини, сиёсий уйғониш, халқнинг ўзлигини тиклаш, қадриятини эъзозлаш, иззатини жойига қўйиш қандай бўлишини яхши идрок этган. У тиз чўкиб яшагандан кўра тик туриб ўлган афзал, дейдиганлардан ва шунинг учун ҳам Мансур, Насимий, Машраблар сингари адолатсизлик-ла дорга олиб келинганида қўрқувдан дод-фарёд чекмади, ношудлар олдида тавба қилмади.

Муҳиддин Шарофий 1919 йилда Мингтепада бўлганларида яна бир аччиқ ҳақиқатга гувоҳ бўлганликлари ва азият чекканлари ҳақида сўзлаган эдилар:

— «Дукчи эшон қўзғолони» аёвсиз бостирилгач, қишлоқ бутунлай вайрон этилган, уйлар яксон қилинган, талайи бузиб ташланган, қанчадан-қанчаси ёниб тамом бўлган. Аҳоли бу ерда қолмаган ҳисоб. Қолганларига эса дашт-чўлдан жой берилган.

Қошиқчидаги учрашув, суҳбатларимизда Муҳиддин Шарофий, Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Мирмуҳсин Шермуҳаммад, Тавалло, Хислат эшон, Мискин Тошкандий, Камий Шоший, Чўлпон, Тўйчи Ҳофиз, Авлоний, Собиржон ва Шокиржон Раҳимийлар, Тангриқул ҳожи Мирмақсудий, Рафиқ қизиғу, Юсуфжон қизиқлар, Ғози Юнус, Мўминжон Тошқин, Убайдулла Асадуллахўжалар билан бўлган учрашувлар, уларнинг тараққийпарварлиги, ҳурриятга интилишлари, маърифий-маданий ишлари ҳақида алоҳида эҳтирос билан сўзлаб бергандилар.

Абдувоҳид қорининг «Дума»га сайлангани, Лев Толстойга хат ёзиб, унинг машҳур романини танқид қилгани, Андижонда Беҳбудийнинг «Падаркуш»и қўйилиши ва чоризм «цензураси» томонидан ман қилиниши, жадидчилик ҳаракатининг кашшофи Исмоилбек Гаспиринскийнинг Тошкентга келиши, «Таржимон» газетасида Туркистон ўлкаси маданий-ижтимоий ҳаётининг ёритилиши масалалари бўйича суҳбату баҳслар, хаёлпараст Мажидийнинг Шайхонтоҳур мезанасидан «учиши», Андижонда Тўйчи ҳофиз граммафон-грампластинка магазинининг очилиши (1910) ва бу ердаги Юсуф қизиқ, Абдуқодир найчи, Султонхон, Имомхон каби санъаткорлар билан учрашувлар ҳақидаги жонли, ҳаяжонли, ўта қизиқ, диққатни ўзига ром қилиб оладиган ҳикояту эсдаликлар ҳали-ҳали хотирамдан кўтарилмайди...

Яхшиямки, ҳаётда мана шундай кўпни билган, ноёб иқтидорлар билан учрашган, ўз ҳоли-тақдиридан турли воқеа-ҳодисаларни ўтказган муҳтарам, билимдон зотлар бўлади. Улар боис тарихнинг кўпгина кемтик жойлари равшан тортиб, аниқланади, унут бўлиб кетаётган ноёб саҳифалари тикланиб боради...

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар, театр арбоблари, журналистлар уюшмалари аъзоси.

• *Осойишталик йўлида*

МАҲАЛЛА БИЛАН БИРГА

Бугунги кунда ички ишлар бошқармалари ва бўлимлари жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан қандай тадбирларни амалга оширмоқдалар? Жумладан, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида бу борада қандай ишлар қилиняпти? Туман ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини, милиция подполковниги Жамол СУЛИЕВ шу ҳақда мухбиримизга сўзлаб берди:

— Ўтган ойлар мобайнида туманда жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашда бирмунча ижобий силжишга эришилди. Туманда 83 та маҳалла бўлиб, уларнинг ҳаммасида ҳудуд нозирлари ишлаб келмоқда.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунга амал қилиб, бошқармамиз ходимлари билан маҳалла оқсоқолларининг юзма-юз учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, «Ёшлик», «Шуҳрат», «Бешқўрғон», «Себзор», «Қаҳрамон», «Тахтапул», «Наврўз», Беруний номидаги маҳалла фаоллари билан ўзаро мулоқот ўтказилди. Бу ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни очишда самара бермоқда.

Туман ички ишлар ходимлари аҳолининг таклиф ва истакларини инобатга олиб, оилавий, майда безориликни ҳудуд нозирлари маҳалла аҳли олдида муҳокама қилишни таклиф этишди. 1993 йилда Тансиқбоев, Себзор даҳаларида, Тиббиёт шаҳарчасида бошқа даҳа ва маҳаллаларга нисбатан жиноят кўпроқ содир этилган эди. Эндиликда шу жойларда илгари очилмасдан қолган жиноятлар аниқланди. Автомашиналарни олиб қочган жиноятчилар қўлга олинди. Хонадонларда ўғирлик ва босқинчилик қилган жиноий гуруҳлар устидан ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда.

Жойларда фойдали меҳнатдан бўйин товлаб, жамиятга зид ҳаёт кечирувчи, ўқимай-ишламай, ўз атрофига шубҳали шахсларни тўплайдиган, майхўрлик қилиб оиласида жанжал чиқарувчи фуқароларга нисбатан ҳам маҳалла фаоллари билан биргаликда кураш олиб борилса, жиноятнинг олди янада кўпроқ олинар, жамоат тартиби сақланарди.

Балоғатга етмаган болалар билан ишлашда ҳам талайгина муаммолар бор. Айниқса, баъзи ўсмирларнинг мактабга бормасдан дўконлардан минерал сув, лимонад олиб ҳамда бензин устига пул қўйиб сотишлари ташвиш туғдиряпти. Бу нохушликларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш эса кўп жиҳатдан ота-оналарга ва милиция ходимларига боғлиқ.

Шу кунларда ички ишлар бошқармаси бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда тумандаги маҳалла, мавзе ва даҳаларда паспорт текшируви бошланди. Туманда «Ғозалаш» тадбири ҳам ўтказилди. Милиция назоратида турган ҳамда муқаддам судланганлар билан тушунтириш ишлари олиб борилди. Тадбир мобайнида 16 кишида ноқонуний қурол борлиги аниқланди. Улар текширилиб, чора кўрилди.

Жамоат жойларида санғиб юрган «дайди»лар ушланди. Улар ички ишлар бошқармаси қошидаги қабул қилиш ва тақсимлаш бўлимлари назоратига топширилди. Туман ҳудудида жойлашган завод, фабрика, корхона ва ташкилотларда майда ўғирлик, ташмачиликда қўлга тушган шахсларга ҳам қонуний чоралар кўрилди. Шунингдек, ўнга яқин чет эл фуқароси ноқонуний равишда рўйхатдан ўтмай яшаётганлиги аниқланди. Уларга тегишли чоралар кўрилди. Муқаддам судланган — назоратда турган 500 кишининг фойдали меҳнат билан шуғулланиши ёки паспортлари қайта текширувдан ўтказилди.

Илгари, яъни 15—20 йил бурун «фоҳиша» деган иборани умуман эшитмасдик ҳам. Ахлоқимизга зид бу жирканч иллатнинг пайини қирқиш — бурчимиз. Ҳозиргача кўплари устидан жиноий иш қўзғатилган, тергов ишлари бошлаб юборилган.

Халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида туман ички ишлар ходимлари фидойилигини ошириш ва туну кун бу муқаддас иш учун хизмат қилиш биринчи галдаги вазифамиз!

М. ФАИЗИЕВ.

• *Маданият хабарлари*

САНЪАТКОРЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Яқинда Қашқадарёда халқ бадиий ҳаваскорлик ашула ва рақс дасталарининг вилоят танлови ўтказилди. Юздан зиёд бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастурларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар бир неча кун давомида мириқиб томоша қилдилар. Ўзларининг юксак ижрочилик маҳоратини намойиш этган Китоб туманининг «Садо» ашула ва рақс дастаси биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ўрин Қарши туманининг «Тарона» ашула ва рақс дастасига насиб этди. Учинчи ўринни эса Шаҳрисабз шаҳар «Шодиёна» дастаси ва Чироқчи туманининг «Олтин қўллар» дасталари олишга муваффақ бўлди.

«ДАБДАБАЛИ ТЎЙ»

Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти ўзбек Давлат мусиқали драма театри ижодий жамоасининг янги саҳна асари ҳам театр шинавандалари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Қрим татар драматурги Юсуф Бўлатнинг «Дабдабали тўй» мусиқали комедияси қувноқ куй ва қўшиқларга, кулгили саҳналарга бойлиги билан ҳам томошабинларни хушнуд этмоқда.

Асарни Айдер Осмон таржима қилган. Спектаклни иқтидорли режиссёр Маматхон Асқаров саҳналаштирган. Асосий ролларни театр артистларидан Абдулҳамид Ғофуров, Раҳимжон Ҳасанов, Нафисахон Холматова, Адҳамжон Абдуллаев, Ақидахон Ҳайитова, Шарифжон Жумаев, Нажмиддин Ўрунов, Озодахон Абдуллаева, Фарҳоджон Ўрунов ва бошқалар ижро этишган.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

«ЛОЛА»НИНГ ҚАДАМИ ИЗЛИ-ҚУТЛИ БЎЛСИН!

Дори-дармон танқислиги, борининг ҳам қимматлиги ҳақида ҳамма нолиётган бир пайтда бу мавзуда бирон бир илиқ гап айтишнинг ўзи ноўриндек. Сабаби кўпчиликни ишонтириш мушкуллигида. Майли, ҳаммаси инон-ихтиёри ўзида.

Куни кеча шаҳримизнинг қоқ маркази Хадра майдонида бундан салкам олтмиш йил муқаддам қурилган кўҳна дорихона «қайта очилди». Бироқ бу сафар хусусийлаштирилган дорихона сифатида иш бошлади.

Шу ерда ўн тўрт йилдан бери меҳнат қилиб келаётган Фарида опа Лутфуллаева кўп ўйлади. «Шаҳарнинг каттаю кичиги биладиган, ўтган-кетган йўл-йўлакай кириб зарур тиббий ашёлар харид қиладиган жой бўлсаю, дори-дармон топилмаса. Эшикдан бош суқиб киргувчиларга у йўқ, бу йўқ деявериш ҳам жонга тегди». Дорихоналарни хусусийлаштириш ҳақидаги ҳукумат қарорлари чиққач Фарида опа калаванинг учини топгандек бўлди. Зарур қоғоз, ҳужжатлар тўғрилади. Санкт-Петербург, Москва фармацевтика заводлари билан дастлабки шартномаларни тузди. Ҳозирча дори-дармонлар тури кўп бўлмаса-да, лекин анча тақчил ҳисобланмиш «Анальгин» инъекцияси, «Новокаин», «Раунатин», «Ампициллин», бир марта ишлатиладиган системаларни кўриб худди ноёб нарса учратгандек қувонасиз. Албатта, ҳар кимни буларнинг нархи қизиқтириши табиий. Чўчиманг, дорилар, тиббий анжомлар, бозордаги, тижорат дорихоналаридагига нисбатан арзон. Қолаверса, бу ердаги савдо-сотиқ ўз миллий пулимизда бўлади.

— Хусусийлаштириш қонунқоидаларига кўра молни шартнома билан олиб келганимиздан кейин унга қанча қўшимча ҳақ қўйиш ўзимизга боғлиқ, — дейди Фарида опа. — Лекин келтирилган молларни қимматга сотишдан нима наф? Тўғри, бирор дардга чалинган киши тузалиш учун қиммат бўлса ҳам топилганига хурсанд бўлиб дорини олади. Лекин ўшанга кетган пулини ўйлаб ундан баттарроқ дарди оғирлашиши ҳеч гап эмас. «Инсоф сари барака» деганларидек, келтирилган дориларни арзонга сотсак кўпроқ фойда оламиз.

Эндигина тетапоя қилиб иш бошлаган «Лола» хусусий дорихона мудирасининг ниятлари катта. У нафақат Ҳамдўстлик давлатлари, балки чет эллик фармацевтлар билан ҳам яқин алоқа ўрнатиш ўйида.

Умида ФАЙЗИЕВА.

ФУТБОЛИМИЗ ЖАҲОН КЎЗГУСИДА

«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ» КУБОГИ—ХАЛҚАРО ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Ўтган шанба — 3 сентябрь куни «Пахтакор» марказий ўйинғоҳида ажойиб футбол томошаси бўлди. «Ўзбекистон мустақиллиги» кубоги учун халқаро мусобақа истиқлол айёми тантаналарига уланиб кетди.

Яхшиси, шу куни бўлиб ўтган учрашувлар, мулоқотлар ва сўнгида ўтказилган футбол учрашувлари хусусида тўхталсак.

Бир гуруҳ матбуот ходимлари Қибрай спорт базасига етиб келганида Ўзбекистон миллий терма жамоаси, «Нефтчи» ҳамда Голландиянинг «Витесс» ва «НЕК» футболчилари тайёргарликни ниҳоясига етказишаётган экан.

Қисқача матбуот конференцияси ўтказилди. Терма жамоа бош мураббийси Рустам Акрамов ва «Нефтчи» жамоаси бош мураббийси Юрий Саркисянлар халқаро мусобақага қандай тайёргарлик кўрганликлари хусусида ахборот беришди. Сўнг Бош вазир А. Муталов футболимизни ривожлантириш, хусусан жаҳон майдонларида тўп сурадиган ўйинчиларни тайёрлаш ва уларни танлашда нималарга эътибор бериш кераклиги хусусида сўз юритди. Шундан сўнг у мамлакатимизнинг етакчи футболчилари билан суҳбатлашди...

«Пахтакор» ўйингоҳи байрамона тус олган. Соат 18.00. Музика садолари янграйди. Майдонга ранг-баранг байроқ кўтариб йигитлар кириб келишди. Болалар қўшиқ айтиб, ўйнайдилар. Санъаткорлар чиқишидан сўнг катта спорт байрамининг тантанали очилиш маросими бошланди. Мамлакат футбол федерацияси президенти А. Муталов футбол байрами қатнашчилари ва меҳмонларини қутлаб, халқаро мусобақани очиқ, деб эълон қилди. Давлатимиз мадҳияси янграйди.

Дастлаб майдонга Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Голландиянинг «Витесс» клуби футболчилари тушишди. Ҳар бир учрашув 45 минут давом этиши керак. Тартиби шундай. Агар ўйин дуранг билан тугаса беш мартадан 11 метрдан тўп тепиш билан ғолиб аниқланади. Рустам Акрамов футболчиларимизга бир таймли ўйиннинг ўзидаёқ «Витесс»ни «бир ёқли» қилиш кераклигини уқтирганлиги табиий. М. Қосимов шерикларини олға бошлади. А. Абдураимов ва Ш. Мақсудов рақиб дарвозасига таҳдид солиб туришди. Лекин голландияликлар ҳам бўш келадиганларданмас. Майдон эгалари ташаббусни қўлга олишга ҳаракат қилдилар. Навбатдаги ҳужум. Шуҳрат Мақсудовни жарима майдонида йиқитишди. Ҳакам 11 метрлик белгини кўрсатади. Шуҳрат зарб билан тепади. Гол! 1:0. Мухлислар олқиши, қарсаклар.

Ўйин давом этади. Гоҳ у, гоҳ бу жамоа ҳужумга ўтиб турди. 1:0 дегани ҳали ғалаба дегани эмас. «Витесс»дан ҳар нарсани кутиш мумкин. Ўйин охирлаб бораётир. Меҳмонлар ҳужуми ва тўп дарвозада. Учрашув 1:1 ҳисобида якунланди. Энди ҳаммасини 11 метрли жарима тўпи ҳал қилиши керак. Дарвозабонимиз Шейкин учрашув қаҳрамони бўлди, дейиш мумкин. У икки бор 11 метрдан тепилган тўпни қайтарди. Абдураимов, Мақсудов, Қосимов ва Шариповдан сўнг бешинчи футболчимизга ҳожат қолмади. 4:2. Финалда миллий терма жамоамиз. «Нефтчи» ва «НЕК» жамоалари учрашувида иккинчи ғолиб аниқланди. Бу ўйиннинг ҳам асосий қисми 2:2 ҳисобида дуранг бўлгач, 11 метрдан тўп тепишга ўтилди. Ҳисоб—4:2. «НЕК» жамоаси устун келди.

«Ўзбекистон мустақиллиги» кубоги учун ҳал қилувчи баҳс Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Голландиянинг «НЕК» клуби ўртасида бўлиб ўтди. Мухлислар ана шу ўйиннинг ҳаяжон билан кузатишди. Дадил ва ишончли ҳаракат қилган Миржалол Қосимов олқиш олди. Учрашув тақдирини ягона тўп ҳал қилди. Миржалол жарима тўпини қойилмақом қилиб тепди. Тўғри, Азамат Абдураимов ҳисобни ошириши мумкин эди. Лекин у 11 метрдан тепган тўп дарвоза тўсинига тегиб, қайтди. Меҳмонларнинг барча ҳаракатлари зое кетди. Ҳакам ўйин тугаганлигини билдирди. 1:0. Ғалаба! «Ўзбекистон мустақиллиги» кубогини республикамизнинг бош командаси қўлга киритди.

Халқаро футбол мусобақаси ғолиби ва ана шу спорт байрамида қатнашган жамоаларга совғаларни республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлагановлар топширдилар. «Энг яхши футболчи» деб баҳоланган Миржалол Қосимов алоҳида совғин билан тақдирланди. Ораликлардаги танаффусларда Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмонова, Нуриддин Ҳайдаров каби ўзбек эстрадаси юлдузлари томошабинлар кайфиятига алоҳида руҳ бағишлашди.

Дарвоқе, Тошкентдаги халқаро мусобақа Европа ва Америкага олиб кўрсатилди. Демак, Ўзбекистонни, Ўзбекистон футболини жаҳон кўрди, томоша қилди! Ҳа, юртбошимиз айтмоқчи: «Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди».

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларни Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азиз СУЮН

Ватанни севиш иймондандир!
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Маҳкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 080120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.30.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

123456.